

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 13 апрель, № 72 (5492) Жума


Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 6 мартда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **130-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**130-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида жалб қилиш, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

2) қуйидаги мазмундаги **$130^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

«**$130^{1}$-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади»;

3) **саккизинчи бўлим** қуйидаги мазмундаги атамалар билан тўлдирилсин:

«**Порнографик маҳсулот** — бадиий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёхуд одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатилган жинсий алоқанинг тавсифини ёхуд фото, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар»;

(Давоми 2-бетда).

# Мамлакатимиз банк тизими салоҳияти

### миллий кўргазма давомида ёрқин акс этди

*Пойтахтимиздаги “Ўзкўргазмасавдо” ярмарка-савдо марказида банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари “BankExpo — 2012” миллий кўргазмаси ўз ишини самарали якунлади.*

### “BankExpo — 2012”

Икки кун давом этган мазкур тадбирда меҳмонларга Мустаҳкам оила йилида банклар томонидан таклиф этилаётган янги хизматлар, омонат турлари ва кредит маҳсулотлари кенг тақдим қилинди. Молия муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда “Мижозларга ўз ҳисоб рақамларини масофадан туриб бошқариш имкониятлари орқали хизмат кўрсатишга янгича ёндашувлар”, “Фронт-офис: банкда чакана кредитлашни ташкил этишнинг самарали воситаси”, “Хорижий кредит линиялари орқали лойиҳаларни молиялаштириш”, “Банк сектори учун алоқа маркази” сингари мавзуларда семинар ва тақдимотлар уюштирилгани иштирокчиларга ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконини берди. Бу йилги кўргазмада ёшларни, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилгани, айниқса, муҳим аҳамият касб этди.

Кўргазманинг ёпилиш маросимида сўз чиққанлар “BankExpo” йиллик миллий кўргазмасига ташриф буюраётганлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани, демак, тижорат банкларининг салоҳияти, аҳолининг банк хизматларидан хабардорлик даражаси ошаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса, ўз навбатида, “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун”, “Банклар тадбиркорларнинг ҳамкори ва ишончли таянчи”, “Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдевори” шиори остида фаолият юритаётган банкларнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2012 йил 9 апрелда тасдиқланган дастурга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига ташриф буюрган Ҳиндистон Республикаси Молия вазирлигининг Тўғри солиқлар марказий идораси раиси жаноб Лакшман Дас бошчилигидаги расмий делегация 11 апрель куни Давлат солиқ қўмитасида бўлди.*

# Баённома имзоланди

Учрашув чоғида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Ҳиндистон Республикаси ҳукумати ўртасида 1993 йил 29 июлда имзоланган икки томонлама солиқ солишга йўл қўймаслик ҳамда даромад ва сармоядан солиқ тўлашдан бош тортишнинг олдини олиш тўғрисидаги Битимга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги Баённома имзоланди. Мазкур Баённоманинг аҳамияти шундаки, у икки давлат солиқ органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш соҳасида яқиндан ҳамкорлик ўрнатилишига имконият яратади.

Учрашувда, шунингдек, хорижий делегация аъзоларига Ўзбекистон Республикасида чет эл инвесторлари учун яратилган қулай сармоявий муҳит, имтиёз ва имкониятлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳияти тушунтирилди.

Ўз навбатида, меҳмонлар солиқ ва божхона тўловларидаги енгилликлар Ўзбекистон иқтисодиётига узоқ муддатли инвестицияларни олиб киришда муҳим кафолат бўлиб хизмат қилиши ҳақида фикр билдириб, мамлакатимиздаги инвестициявий муҳитга Ҳиндистон тадбиркорлари катта қизиқиш билан қараётгани, икки давлат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун барча

(Давоми 2-бетда).

# ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек 12 апрель куни Ўзбекистон Республикаси байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев билан учрашди.*

Учрашувда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Конституциясида миллати, дини ва тилидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тузилмаларида мамлакатдаги барча миллат ва элатлар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

Мулоқотда миллатлараро ва конфессияларaро бағрикенглик мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати бўлиб келаётгани, миллатлараро тотувлик ва барқарорлик Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг асосий мақсадларидан бири этиб белгилангани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

# Санъатимизнинг муносиб ворислари



Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.



*Мусиқанинг таълим-тарбиядаги ўрни, аҳамияти беқиёс. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим қадам бўлди.*

### Қарор ва ижро

— Мазкур ҳуқуқий ҳужжат туфайли соҳада катта бунёдкорлик ишлари бошланди, — дейди Бухоро шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби директори Гулчеҳра Норова. — Ўз фаолиятимиз мисолида айтадиган бўлсак, 2011 йилда мактабимиз учун янги ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 200 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган ушбу бинода ўғил-қизларимизнинг санъат сирларини пухта эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратилган.

(Давоми 2-бетда).

### Тадбир

*Ҳар бир инсонда ўзига яраша қобилият, ақлу идрок, иқтидор, билим ва салоҳият мавжуд. Бугун аксарият ота-оналарнинг ушбу ҳаётий ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда фарзандлари истеъдоди, қизиқишини кашф қилиш, қўллаб-қувватлаш ва юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратаётганликлари ибратга арзигуликдир.*

# Меҳр ва эъзоз – иқтидорга қанот

Кеча пойтахтимизда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий он-лайн мулоқотда шу хусусда фикр-мулоҳазалар билдирилди. Оилада иқтидорли фарзандларни тарбиялаш мавзуига бағишланган мазкур тадбирга тажрибали психолог Эркин Сатторов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, таниқли спорт шарҳловчиси Акром Тошхўжаев, жаҳон шаҳмат тожи соҳиби — Рустам Қосимжоновнинг оила аъзолари, армрестлинг бўйича етти карра жаҳон чемпиони Мирзоҳид Шаропов, шунингдек, бир гуруҳ санъаткорлар таклиф этилдилар.

Бевосита мулоқот жараёнида мамлакатимиз ва хорижда истиқомат қилаётган спортга ихлосманд ёшлар, ўқувчи ва талаба йигит-қизлар www.kamolot.uz веб-сайти орқали тадбир меҳмонлари ва экспертларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилишди.

(Давоми 2-бетда).

# ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*Тошкентда Хитойнинг ZTE корпорацияси томонидан илғор темир йўл сигнализация технологиялари ва телекоммуникацияларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.*

Тадбирда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компаниясининг тегишли хизматлари ва бошқармалари вакиллари, шунингдек, Мўғулистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Грузия ва бошқа давлатлардан темир йўллар бўйича раҳбарлар ва техник мутахассислар қатнашди.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида темир йўл транспортини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Тармоқда кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчилар ва юк ташиш ҳажми ортмоқда.

Ўзбекистон транспорт тизимида темир йўллар алоҳида ўрин эгаллайди ва мамлакатимизда ташилаётган юкларнинг асосий қисми улар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу транспорт турининг асосий афзаллиги унинг ўтказувчанлик қобилиятининг юқорилиги, тизимнинг об-ҳаво шароитидан қатъи назар, барқарор ва узлуксиз ишлашидадир. Шунинг учун янги технологиялардан фойдаланган ҳолда темир йўлларни модернизация ва реконструкция қилиш тармоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган. 2010 йилда ниҳоясига етказилган Тошкент — Ангрен участкасида алоқа ва сигнализация тизимини модернизация қилиш ва қайта ташкил этиш лойиҳаси бунга ёрқин мисол бўла олади.

ZTE корпорацияси вице-президенти, Осиё-Тинч океани минтақаси ва МДҲ давлатларида ҳукуматлар ҳамда корпоратив тармоқлар хизматлари бўйича техник директор Ян Цзюннинг айтишича, “Ўзбекистон темир йўллари” темир йўл компанияси ZTE корпорациясининг стратегик ҳамкори ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

***2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг***
**17,5 фоизидан ошмади.**

Халқаро мезонлар бўйича “Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат” деб ҳисобланадиган бундай ижобий натижага мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, шунингдек, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсати амалга ошириб келинаётгани туфайли эришилди.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«**Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулот** — бадиий, илмий ёки маданий қимматга эга бўлмаган, зўравонлик ёки шафқатсизлик содир этишга ундайдиган материаллар ва нарсалар».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **189-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**189-модда. Порнографик маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, —

порнографик маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **189[1]-модда** билан тўлдирилсин:

«**189[1]-модда. Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тайёрлаш, олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш**

Зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида тайёрлаш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, —

зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни, шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этиш воситаларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «189» рақамидан кейин «189[1]» рақами билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг биринчи банди** «189» рақамидан кейин «189[1]» рақами билан тўлдирилсин.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2012 йил 12 апрель
№ ЎРҚ—324

# ЕХҲТ ОЛИЙ КОМИССАРИ – ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бир юз қирқдан зиёд миллий маданий марказлар фуқароларнинг ўсиб бораётган миллий-маънавий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашаётгани, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштиришга, мамлакатда қарор топган тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшаётгани қайд этилди.

— Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни таъминлашга катта эътибор қаратилаётир, — деди Кнут Воллебек. — Мамлакатингизда барча миллат вакиллари тенг ҳуқуқ ва имкониятларга эга экани бизни ғоят қувонтиради. Ўзбекистонда турли миллат ва элатлар вакилларининг тили, маданияти ва санъати, урф-одатлари ҳамда анъаналарини сақлаш ва ривожлантиришга қулай шароит яратишга қаратилаётган улкан эътибор диққатга сазовор. Жумладан, мамлакатингиздаги муайян мактабларда 7 тилда таълим берилиши, 10 тилда босма нашрлар чоп этилиши бизда катта таассурот қолдирди.

ЕХҲТнинг камсонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебек Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида ҳам музокаралар ўтказди.

**(ЎзА).**

### Парламент ҳаёти

*Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди.*

# Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва қонунчилик

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан ҳамкорликда ўтказилган “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунларни янада такомиллаштиришга бағишланган мазкур тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, банк-молия муассасалари, ахборот технологиялари соҳасидаги корхона ҳамда ташкилотлар вакиллари, эксперт-мутахассислар қатнашди.

Барчамизга яхши маълумки, бугунги кунда иқтисодиёт тармоқларига замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилмоқда. Айниқса, электрон тўлов ва электрон тижорат имкониятларидан самарали фойдаланиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳолига қулай ва сифатли хизмат кўрсатиш омилига айланмоқда. Ўз навбатида, бундай янгиланиш жараёнлари соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, юқори ва барқарор иқтисодий натижаларга эришиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, маҳсулот ва хизматларни жаҳон бозорига олиб чиқиш асосида мамлакатимиз экспорт салоҳиятини юксалтиришда катта аҳамият касб этаётир.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, тижорат фаолияти ҳамда тадбиркорликда улардан фойдаланишни янада рағбатлантириш, интернет тизими орқали коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилишни йўлга қўйиш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорда реализация қилишда электрон тижорат инфратузилмасини шакллантириш масалалари муҳокама этилди.

— Ўтган йиллар давомида иқтисодиётимиз тармоқларига илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга қаратилган мустаҳкам ҳуқуқий-меъёрий база яратилди, — деди Марказий банк раиси ўринбосари Ш. Ҳайдаров. — Ушбу ҳуқуқий асослар изчил такомиллаштириб борилмоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир.

Тадбирда миллий иқтисодиётимизга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ этилишининг янги босқичи ва истиқболлари хусусида мулоҳазалар билдирилди. Чунончи, ҳозир мамлакатимиз банк-молия муассасалари интернет тармоғи ва мобиль алоқа воситалари ёрдамида ўз мижозларига масофадан туриб электрон тўловлар, “СМС-банкинг”, “Мобиль-банкинг” каби интерактив банк хизматларини кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда ахборот технологиялари соҳаси субъектлари томонидан электрон тўловлар ва электрон тижоратни амалга оширишни автоматлаштириш имконини берувчи хилма-хил технологик ечимлар таклиф этилмоқда, — дейди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бўлим бошлиғи З. Раҳматуллаев. — Масалан, интернетнинг “uz” доменида Интернет-дўконлар сони муттасил ортиб бораётганини кўриш мумкин. Улар фойдаланувчиларга масофадан туриб, муайян вақт режимида бир қатор хизматларни тақдим этиб келаётир. Биринчи навбатда, бу коммунал, мобиль алоқа ва бошқа тўловларни тезкор электрон сервис орқали ҳисоб-китоб қилишни осонлаштираяпти.

Анжуманда истеъмолчиларга электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммунал хизматларни кўрсатишда автоматлаштирилган ахборот тизимларини татбиқ этиш, тўловлар ҳисобини юритиш мақсадида соҳа корхона ва ташкилотларига биллинг тизимларини жорий қилишга оид таклифлар айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида маҳаллий маҳсулотларнинг электрон кўргазмасини ташкил қилиш, соҳада консультациялар беришга ихтисослаштирилган махсус веб-порталнинг ишга тушириш, давлат органларининг бошқарув функцияларини автоматлаштириш мақсадида максимал равишда ахборот тизимлари жорий этиш ҳамда улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш тўғрисида ҳам фикр алмашилди.

— Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришда ижтимоий омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, — дейди қўмита аъзоси Д. Холиқова. — Шу асосда тегишли қонунчилик ҳужжатларининг такомиллаштирилиши эса давлат органларининг социал аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланиш, аҳолининг коммунал хизматлар учун электрон тўловларни амалга оширишини таъминловчи қулай коммуникация тармоқлари инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш имконини беради.

— Соҳага оид ҳуқуқий пойдевор ва ижро механизмларини такомиллаштириш асосида, энг аввало, замонавий ютуқларга асосланган миллий иқтисодиёт салоҳиятини янада кенгайтиришга эришилади, — дейди қўмита аъзоси И. Абдуллаев. — Шулар қаторида интернет тармоғининг миллий сегментини тараққий топтириш, уни зарур маълумотлар билан тўлдиришни таъминлаш, миллий ахборот қидирув тизимини бутунлай ва сифат жиҳатидан яхшилаш, ундан фойдаланувчилар сонини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, электрон тижорат соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Давра суҳбатида муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**С. МАХСУМОВ.**

# Мамлакатимиз банк тизими салоҳияти

## миллий кўргазма давомида ёрқин акс этди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўргазмада, шунингдек, ташкилотчилар томонидан республикамизда ишбилармонларни молиявий қўллаб-қувватлаш, микромолиявий хизматларни кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, инновацион лойиҳаларни юзага чиқаришда алоҳида ўрнак кўрсатган ва етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юксак баҳоларини мунтазам равишда қўлга киритиб келаётган молия муассасалари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Якунда эса “Асака” банки “Тадбиркорларнинг энг яхши ҳамкори ва ишончли таянчи”, давлат-тижорат Халқ банки “Энг яхши микрокредитлаш хизмати” ва “Оилалар фаровонлигига ҳисса қўшаётган энг яхши банк”, “Микрокредитбанк” очиқ акциядорлик тижорат банки “Таълим муассасалари битирувчиларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк”, “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки “Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг яхши банк”, “Ипотека-банк” акциядорлик ипотека тижорат банки “Кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватловчи энг яхши банк”, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки “Етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори рейтинг баҳоларига эришаётган энг яхши банк”, “Қишлоқ қурилиш банк” очиқ акциядорлик тижорат банки “Қишлоқ фаровонлигига қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун”, “Ўзсаноатқурилишбанк” “Энг яхши инновацион хизмат” номинациялари бўйича ғолиб бўлган бўлсалар, “Uzbek Leasing International” компанияси “Лизинг хизматлари ривожланишига қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун” йўналишида энг яхши, деб топилди.

**Д. УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТЕМИР ЙЎЛ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Корпорация алоқа соҳасидаги энг илғор ва самарали технологиялардан фойдаланган ҳолда, юқори самарали, тезюрар темир йўллар тармоқларини қуришда Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга доимо тайёр.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ZTE корпорацияси кўмагида Тошкент — Ангрен участкасида барпо этган темир йўл сигнализацияси тизими бенуқсон ва узлуксиз ишламоқда. Мазкур янги тизим ишга туширилгандан буён ушбу участкада темир йўлларнинг ўтказувчанлик қобилияти 50 фоизга ошди. Бу, ўз навбатида, Ангрен ҳудудида саноатни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатди ва Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда халқаро логистика марказига айланишида муҳим омил бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу лойиҳа доирасида 9 та станцияни ўз ичига олган узунлиги 119 километрлик участка модернизация қилинди. Сигнализациялаш тизимида компьютер блокировка тизимидан (CBI) фойдаланилмоқда, участкалар ўртасида станциялараро автоматик блокировка йўлга қўйилган, ўқларини рельс занжирлари билан биргаликда ҳисоб-китоб қилиш тизимини қўллаш темир йўллар самарадорлигини оширди ҳамда станцияларнинг навбатчи ишчилари фаолиятини анча енгиллаштирди. Темир йўл тизимида телефон алоқаси сифатида ўзини ўзи қайта тиклайдиган SDH ҳалқа тармоғи — жамоат телефони ва махсус диспетчерлик алоқасининг бир-биридан ажратилган тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бу эса унинг ишончлилиги ва хавфсизлигини оширишга хизмат қилмоқда.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Изланиш

*Саноат ривожида инвестициялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, илғор технологиялар, замонавий қувватлар ва малакали кадрларсиз ишлаб чиқаришда муваффақиятга эришиш мушкул. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини яратиш, хорижий сармояларни жалб қилиш ҳисобига янги маҳсулот турларини ўзлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*



# Инвестиция – янгиланиш, юксалиш омили

Бу борада Хоразм вилоятида ҳам сезиларли ютуқларга эришилаяпти. Жумладан, ўтган йили воҳада Саноат салоҳиятини ошириш ҳудудий дастурлари доирасида 213 та лойиҳа амалга оширилиб, умумий қиймати 34,7 миллиард сўм ва 40 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 12 фоизга ортди. Бинобарин, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида “Коботекс”, “Жиласун Тошкент”, “Дарител текстил” масъулияти чекланган жамиятлари, “Идеал Карпет” каби корхоналар ишга туширилди.

Хонқа туманидаги “Хонқа барака қоп” масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шундай ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Қарийб 1 миллиард сўмлик маблағ эвазига бунёд этилган ва хорижнинг замонавий, тежамкор технологиялари билан жиҳозланган мазкур корхона ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Ҳозир бу ерда тайёрланаётган 10 килограммдан 100 килограммгача сиғимга эга полипропилен қоплардан озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда қурилиш маҳсулотларини қадоқлаш, ташиш ҳамда сақлашда кенг фойдаланилмоқда.

Бугунги кунда “Хонқа барака қоп”да 34 киши иш билан банд. Улар томонидан ўтган йили 550 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йил йил бошидан буён 370 миллион сўмлик полипропилен қоплар буюртмачиларга етказиб берилди.

— Хом ашё ва энергия сарфини иқтисод қилиш орқали маҳсулот таннархини арзонлаштириш мумкин, — дейди корхона раҳбари Ортиқбой Ражабов. — Биз ана шу талабдан келиб чиқиб иш юритаяпмиз. Технологияларимиз ихчам ва тежамкор.

Жорий йил корхона жамоаси 2 миллиард сўмликдан ортиқ, 4 миллион дона турли сиғимдаги полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу жамият фаолияти кенгайиши, ишчи-ходимлар даромади ошиб, ички бозор эҳтиёжлари таъминланишига хизмат қилади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

# Баённома имзоланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

зарур шароитлар яратилишини маълум қилдилар, икки давлат солиқ органлари ўртасида солиққа оид ахборотлар алмашиш механизмларини янада такомиллаштириш, солиқ маъмурчилиги ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўзаро тажриба алмашиб бориш тўғрисида келишиб олинди.

Шу билан бирга, хорижий делегация аъзолари Ўзбекистон солиқ тизимида эришилаётган ижобий натижалар, солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ишлар, Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида ташкил этилаётган Маълумотларни қайта ишлаш ва солиққа оид ахборотларни сақлаш маркази лойиҳаси ҳамда “Солиқлар тарихи” музейи билан таништирилди.

Шу куни хорижий меҳмонлар Давлат солиқ қўмитаси томонидан «Ёшлар ижод маркази»да ташкил этилган «Интерактив хизматлар — солиқ тўловчилар хизматида» мавзусидаги кўргазмали семинарда қатнашдилар, Тошкент шаҳар «Фарҳод деҳқон бозори» ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг Спорт-соғломлаштириш марказига ташриф буюриб, давлат солиқ хизмати органлари томонидан олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар.

**Давлат солиқ қўмитаси**
**Ахборот хизмати.**

# Санъатимизнинг муносиб ворислари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чиндан ҳам, бу ердаги қулайликлар ҳавас қилгулик. Хоналарда мусиқий таълимнинг ўзига хос нозик жиҳатлари ҳисобга олинган. Мактаб барча турдаги мусиқа жиҳозлари билан таъминланган. Бундай қулайлик илгари мослаштирилган, эски бинода фаолият кўрсатиб келган жамоа учун кенг имкониятлар эшигини очди. Дарвоқе, бу ерда айни пайтда 26 нафар педагог меҳнат қилмоқда. Улар 180 нафар иқтидорли ўқувчига ўзбек халқ чолғу асбоблари, хореография, фортепиано, тасвирий санъат сингари йўналишларда сабоқ беришмоқда.

— Шундай қулай шарт-шароитларда ишлаш кишига завқ беради, — дейди ўқитувчи Галина Малолеткова. — Ҳозир мен бу ерда ёшларга скрипка чалиш сир-асрорларини ўргатаяпман. Шогирдларимнинг ҳаммаси ҳам интилувчан ва иқтидорли. Улар истеъдодини юзага чиқариш йўлида куч ва маҳоратимни аямайман.

Амирбек Ражабов ҳам шу мактабда ўқийди. У мусиқага ошуфта. Доира садоси янграганида, дунёни унутади. Ўзи ҳам доирани қойилмақом чертади. Муҳиддин Қори-Ёқубов хотирасига бағишлаб ўтказилган кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиби. “Ниятим — санъат коллежида ўқишни давом эттириш ва етук санъаткор бўлиб етишиш”, дейди у.

Вилоят ва республика миқёсидаги турли кўрик-танлов ва фестивалларда қатнашиб, яхши натижаларга эришган Руслан Неъматов, Шоҳруҳ Тўраев, Асал Забиева, Шаҳноза Наимова сингари истеъдодли ўғил-қизлар билан суҳбатлашганимизда улар ҳам ўз орзу-ниятлари ҳақида тўлқинланиб гапиришди.

Мазкур мусиқа ва санъат мактабида ўз вақтида машҳур композитор Мухтор Ашрафий, таниқли композитор ва дирижёр Фазлиддин Шамсиддинов, санъатшунослик доктори Файзулло Кароматов, композитор Иброҳим Ҳамроев, Саид Алиев сингари мусиқамиз равнақига муносиб ҳисса қўшган санъаткорлар сабоқ олишган. Бугунги истеъдодли ёшлар санъатимиз дарғаларининг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, улардан-да юксакроқ муваффақиятларни қўлга киритишни дилга тугиб ўқиб-ўрганмоқдалар.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Меҳр ва эъзоз – иқтидорга қанот

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, спортнинг тарбиявий аҳамияти, чемпионлик сирлари, иқтидор соҳибини камолга етказишда ота-она масъулияти сингари савол-жавоб ва мушоҳадалардан сўнг мулоқот янада таъсирчан тус олди.

— Спортдаги ғалабаларга эришиш жисмоний кучнигина эмас, балки ақлий тайёргарлик, руҳан тетикликни ҳам талаб этади, — дейди армрестлинг устаси Мирзоҳид Шаропов. — Чунки рақиб билан беллашув, мусобақада куч синашмоқлик — бу тўғри ва аниқ тактик усул қўллай билиш, ҳар қандай вазиятда ҳам иродали бўлиш демакдир. Шахсан менга ана шу қатъий қоидани устозларим тинмай уқтиришар, отам эса мактабдаги машғулотларим тугагач, мен учун вақт ажратиб, уйда биргаликда спорт билан шуғулланар эдилар. Жисмоний имкониятим чекланган бўлишига қарамай, соғлом спортчилар ўртасида ҳам жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишга интилганим ва бунинг уддасидан чиққанлигим меҳрибон отамнинг ўгитлари туфайли, деб биламан.

Айтиш кераки, он-лайн мулоқот тадбирларида иштирок этиш истагидаги ёшларимиз сафи кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Март ойидан буён ҳар ҳафта мунтазам ўтказиб келинаётган мулоқотларда 100 минг нафардан зиёд йигит-қизлар фаол иштирок этганлиги бунинг тасдиғидир.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Болаларга ғамхўрлик

*Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камол топтиришда халқаро ва маҳаллий жамоат ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари ўз самараларини бермоқда.*

## Саломатлик

“Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг “Фриденсдорф Интернейшнл” халқаро ташкилотининг уч томонлама ҳамкорлик битими шулар жумласидандир.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастури доирасида имконияти чекланган ва кам таъминланган оилаларнинг тиббий ёрдамга муҳтож болаларни соғломлаштиришга кўмаклашиш, Германия клиникаларида даволаш, таянч-ҳаракат тизими ва бўйин-умуртқа поғонаси шикастланган болаларга жарроҳлик ёрдами кўрсатиш амалиётлари бажариб келинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида махсус лойиҳа асосида туғма оёқ нуқсони бўлган ва қийшиқ бўйин ташхиси қўйилган 201 нафар ҳамда туғма лаб-танглай нуқсони бўлган 113 нафар болалар жарроҳлик йўли билан соғломлаштирилди.

Мазкур ҳамкорликнинг давоми сифатида яқинда “Фриденсдорф Интернейшнл” халқаро ташкилоти вакиллари республикамиз ҳудудларида бўлиб, туғма касалликлари бор бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Жумладан, Жиззах вилояти кўп тармоқли болалар шифохонасида ҳудудий тиббий кўрик ташкил этилиб, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яшаётган 70 нафарга яқин туғма нуқсонли болалар германиялик мутахассислар томонидан текширилди.

Тиббий кўрик натижаларига кўра, касаллик даражаси ва оилавий аҳволига қараб сараланган болалар жорий йилнинг август ойидан бошлаб 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатда Германия клиникаларида даволаниш имкониятига эга бўлишади.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

● Реклама ва эълонлар ●


Ўзбекистон бозорида 16 йилдан кўпроқ иш тажрибасига эга

**«KIMYOHIMOYATA`MINOT» қўшма корхонаси**

металл ва ёғочдан ясалган буюмларни бўяш учун мўлжалланган

**«Defender» русумли**

сув ва акрил бўёқлари ёрдамида ёнғиндан ҳимояланиш усулини тавсия қилади. Ушбу юқори сифатли усул ёнғиндан ҳимояловчи замонавий Америка технологиясига асосланган.

**Шунингдек, қўшма корхона елим билан қопланган буюмлар ҳамда турли кабель маҳсулотларини, ёнғиндан сақловчи бошқа материалларни ҳам мижозларга таклиф қилади.**

*Тел./факс: (8-371) 150-46-90, 150-46-93, (+99 890) 979-00-55, 985-50-30.*

355A/244

**Том маркази**

**«STIL INVEST SERVIS»**

- ☑ **металлочерепица** (2 вида, металл производства России)
- ☑ **профнастил** (гофр-0.17, 0.22, 0.35)
- ☑ **аксессуары для любых типов кровли**
- ☑ **вентиляционные системы**

**Форма оплаты — любая.** *Производим монтаж любых типов кровли.*

e-mail: tommarkazi@mail.ru
Телефон 300-09-05. Факс 228-55-93.

Товар сертифицирован. *Гувоҳнома № 003528-01.*

602A/385

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш бошқармаси томонидан тақдим қилинган, Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Экокимёбиосервис» МЧЖга тегишли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

***1.** Бошланғич нархи* — 1 192 050 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Миробод 1-тор кўчаси (собиқ Ивлиев) кўчаси, 14-уйда жойлашган, 2 қаватли битта бинодан иборат, бинонинг умумий майдони — 748,0 кв.м., ертўласи ва 3-қавати ҳужжатсиз қурилган, конструкция тури ғиштли меҳмонхона бино-иншоотлари.

***2.** Бошланғич нархи — 4 075 660 000 сўм* бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 5-«А» уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони — 4611 кв.м., фойдали майдони — 1782,2 кв.м., конструкция тури ғиштли, шлакоблокли, 4 та бино ва 2 та ҳовузи мавжуд чойхона («Сабо» тўйхонаси) биноси.

***3.** Бошланғич нархи — 1 506 820 000 сўм* бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 62-уйда жойлашган, бинонинг умумий майдони — 836 кв.м., 3 қаватли бино 1-қаватининг бир қисми, конструкция тури ғиштли, каркасли, маиший хизмат кўрсатиш бино-иншоотлари.

***4.** Бошланғич нархи — 2 808 670 000 сўм* бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Чангалзор-Мавзук кўчаси, 3-уйда жойлашган, ер участкасининг умумий майдони — 15844 кв.м., фойдали майдони — 2898,3 кв.м., 15 та биноли, конструкция тури ғиштли, шлакоблокли ишлаб чиқариш ҳудуди бино-иншоотлари.

Аукцион савдоси 2012 йил 11 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йил 11 май куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йил 1 июнь куни бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»ининг Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

606A/437

**Лицензия:№0039.**

**«KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан, Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 23 августдаги 1-221/2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Мумтоз (собиқ Каримов) кўчаси, 5-уйда жойлашган, «ВАЗИР Д» МЧЖга қарашли, бошланғич нархи 2 415 883 713 сўм бўлган, умумий майдони 34 577 кв.м. 12 та бино, 2 та бинонинг бир қисми ва 6 та иншоотдан иборат кўчмас мулклар (собиқ ТашОР) мажмуа ҳолда такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 27 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «KO‘P TARMOQLI KO‘CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк»и Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: (8-371) 249-54-59, 249-53-61.**

601R/457

***Лицензия: № 0039.***

МАГАЗИН-САЛОН УМНЫЙ ДОМ



*Теперь для вас не составит труда распознать личность нарушителя или определить номер автомобиля, просматривая запись системы видеонаблюдения.*

**IP-камеры GeoVision для цифровых систем видеонаблюдения**

- Превосходная детализация изображения.
- Сохранение высокой четкости наблюдаемых объектов при цифровом увеличении архивных записей или выводе изображения на видеостену.
- Удаленный просмотр и управление камерами через Интернет или через мобильный телефон.
- Поддержка двухсторонней аудиосвязи.
- Одновременная обработка, архивирование и отображение до 4 000 камер и более.

Товар сертифицирован

344R/

238-99-99, 238-99-97, www.setko.uz

**Тошкент давлат техника университети «Халқ сўзи» газетасининг 2011 йил 29 сентябрдаги 188 (5355)-сонида компьютер техникаси сотиб олиш бўйича эълон қилинган тендер** ўтказилмаганлигини маълум қилади.

582-1A/350

AL-RAMI



**«eurofence» тўрли панель тўсиқлари спорт майдончалари, тураржой, паррандачилик фермалари ва бошқа катта ҳудудларни тўсишда қўлланилади.**
**Буюртма бўйича ўлчамдаги катак тўрни тайёрлаш.**
**Буюртма бўйича турли мураккабликдаги металлдан тайёрланган маҳсулотлар: фермалар, устунлар (колонна), парапетлар ва ҳоказолар.**
**Болғалаб безак бериб ясаш (художественная ковка), панжаралар, тутқичлар (перила), дарвозалар ва бошқалар.**
**Том, сунъий ҳавза, ҳовуз (бассейн)ларни ёпиш учун ПВХ-мембрана, маҳсулот кафолати — 50 йилгача.**

133R/1126

**www.stroyca.uz al-rami@inbox.ru (+99890) 187-44-65.**

TRANS UZBEKISTAN · MACHINERY CENTRAL ASIA · Chemie · plastex UZBEKISTAN · UZCOMAK · Auto Parts UZBEKISTAN · CAIPS · miningworld UZBEKISTAN



**CENTRAL ASIAN INDUSTRIAL WEEK**

**MARKAZIY OSIYO XALQARO SANOAT HAFTALIGI**

Фойдали алоқаларингизни имкон қадар кенгайтиринг! **15-17 май 2012** «Ўзэкспомарказ», Тошкент

Сизнинг таклифномангиз қуйидаги сайтда: www.industrialweek.uz • Бизга www.facebook.com/ITEUzbekistan.uz да қўшилинг

ITE UZBEKISTAN
**ITE Uzbekistan**
100000, Ўзбекистон, Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-«А».
Тел.: (+998 71) 113 01 80, Факс: (+998 71) 237 22 72, E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz
ufi Member
572R/
Guvohnoma № 3583

**СОТАМИЗ:**

- **ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ*** 15 кВтдан 2000 кВтгача
- **БЛОКЛИ АВТОНОМ ҚОЗОНХОНАЛАР** 100 кВтдан 5000 кВтгача
- **НЕФТЬ, ГАЗ ва КИМЁ САНОАТИ УЧУН ЖИҲОЗЛАР*:** турли хил ҳажмдаги, босимга чидамли идишлар, сепараторлар, тиндиргичлар, иссиқликни алмаштириб турувчи қурилма, шовқинни пасайтирадиган мослама, машъала устуни ва каллаги, технологик реакторлар.
- **ЗАМОНАВИЙ ИССИҚХОНА МАЖМУАЛАРИ ТАЙЁР ҲОЛАТДА.**

*Буюртма бўйича.*
** Маҳсулот сертификатланган.*

**Офис тел.: (8-370) 715-01-48, 715-05-32.**
**Моб. тел.: (+99870) 713-96-80, (+99870) 713-70-10, (+99897) 711-58-65, (+99870) 346-92-25.**
e-mail: chks.uz@mail.ru www.chk-uz.com

47R/1506

**ООО «SHANXAY PLAST GROUP»**

*ПРОИЗВОДСТВЕННОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ*

SPG PIPILENE

производит **полиэтиленовые трубы** Ø от 16 до 800 мм для водоснабжения, канализации и газа,



соединительные детали: **тройники, переходники, отводы, адаптеры.**

*НА ВСЮ ПРОДУКЦИЮ ИМЕЕТСЯ СЕРТИФИКАТ СООТВЕТСТВИЯ, ГИГИЕНЫ И ГИБКАЯ СИСТЕМА СКИДОК.*

**Производим поставку, монтаж и комплектацию ПЭ-трубопроводов Ø от 16 до 800 мм под ключ.**

*Гарантия качества! Звоните!*

г. Ташкент, ул. Шайхантохурская, 36, бизнес-центр «Лабзак», 3-й этаж.
Тел./факс (8-371) 244-83-00,
моб.: (+998 93) 547-49-75, (+998 97) 734-46-70
WWW.pipilene.uz E-mail: sedou2006@yandex.ru

143R/40

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

*(ҚҚС билан)*



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича** Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

GidroSpetsKrovlya

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ **наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы:**

**ИЗОЛ И ФОЛЬГОИЗОЛ** *собственного производства на стеклотканой основе.*

**Выполняем все виды кровельных работ с гарантией.**



ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

*Тел.: 443-58-30, 103-00-86, 228-20-70, факс 248-69-00.* 16R/1299

Tsh 64-20438253-01: 2011

*ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ:* **ООО «TAYFUN PLASTIK»**

**ДОБАВКИ И КРАСИТЕЛИ**

**«MASTERBATCH» полимерные суперконцентрированные**



Ф/О — безналичный расчет

*ПРОИЗВОДИТ ИНДИВИДУАЛЬНО НА ЗАКАЗ:*

**КАЛЬЦИЙ КАРБОНАТ в гранулах** для производства полипропиленовых мешков,

из расчета 25 кг полипропилена для всех марок вводится от 2,5 до 4 кг наполнителя, толщина нити от 2-3 мкм, а также для экструзии, литья под давлением и вакуум-формовки вводится до 40% наполнителя.

291R/161

может заменить до 40% сырья, поставляемого из-за рубежа.

**Тел.: (+99898) 369-09-90, 215-68-06, факс: 281-59-89.**

**КАЧЕСТВО ГАРАНТИРУЕМ**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
02


“Ўзнефтмаҳсулот” акциядорлик компанияси жамоаси компания ходими Абдуғофур Мирхўжаевга падари бузруквори

**ҲАФИЗ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Изланиш



**Маълумотларга қараганда, кейинги пайтларда тиббиёт ва фармацевтика саноатида шифобахш ўсимликларга талаб тобора ортиб бораяпти. Шу боис мамлакатимизда шифобахш гиёҳлар ўсадиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш, унинг деҳқончилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузуридаги “Шифобахш” илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолияти айнан шу мақсадга йўналтирилгандир.**

# Ҳаётбахш гиёҳлар макони

Бугунги кунда марказ тасарруфида 6 та ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Ушбу хўжаликларда республикамизда учрайдиган доривор ўсимликларни парваришлашдан ташқари, чет эллардан келтирилган ноёб турларни иқлимлаштириш, уларни маданий ҳолда ўстириш ишлари ҳам олиб борилади. Бундан кўзланган асосий мақсад соғлиқни сақлаш тизими ва фармацевтика саноати корхоналари учун мустаҳкам хом ашё базасини яратиш, қолаверса, доривор ўсимликларнинг йўқолиб кетиши ва табиий захиралари камайишининг олдини олишдан иборат. Масалан, Тошкент вилоятидаги Йўлдош Охунбобоев, Наманган вилоятидаги Абу Али ибн Сино, Бухоро вилоятидаги Алишер Навоий номидаги, шунингдек, Андижон вилоятидаги “Тошохур”, Қашқадарё вилоятидаги “Яккабоғ”, Сурхондарё вилоятидаги “Ҳисор” ихтисослаштирилган ўрмон хўжаликларида ўлкамиз табиатига хос бўлган ва чет элдан олиб келинган пол-пола, маккайисано, мойчечак, тирноқгул, қалампир ялпиз, арслонқуйруқ, эхинацея, тухмак, эман каби бир неча доривор ўсимликлар етиштирилмоқда.

Тарихдан маълумки, истеъмолдаги барча қишлоқ хўжалиги экинлари асрлар давомида иқлимлаштирилиб, маданийлаштирилган. Бу жараён ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. “Шифобахш” илмий-ишлаб чиқариш маркази мутахассислари томонидан ҳам бу борада сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, хўжаликларимизда чойўт, тоғрайҳон, бўйимодарон, баргизуб, кийик ўти, наъматак, қизил дўлана, қариқиз, жағжағ каби бир қанча ўсимликлар маданийлаштирилиб, ўстирилаяпти.

Айни пайтда марказ томонидан йилига 30 турдаги 300 тоннадан зиёд доривор ўсимликлар тайёрланади. Шундан 200 тоннаси маданий ҳолда парваришланаётган доривор ўсимликлар ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг маълум қисми хўжаликларнинг ўзида бирламчи қайта ишланиб, истеъмолчиларга қадоқланган ҳолда етказиб берилаётгани қувонарлидир.

Ҳозирги вақтда, асосан, Давлат фармакопеясига киритилган ўсимликлар етиштирилмоқда. Улар халқ табобатида ишлатиладиган ўсимликларнинг 10 фоизини ташкил қилади, холос. Демак, илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимларининг олдида халқ табобатида минг йиллар давомида ишлатилиб келинаётган доривор ўсимликларнинг илмий табобатда қўлланилишига кўмаклашишдек улкан вазифалар турибди. Шу билан бирга, янги қайта ишлаш корхоналари барпо этилса, доривор ўсимликлар тайёрлаш ҳажми ва тури кўпайиб, халқимизнинг бу бебаҳо неъматларга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондирилган бўлур эди.

**Маъмуржон АЛЛАЯРОВ, «Шифобахш» ИИЧМ илмий бўлими бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими.**



*Юртимизнинг бетакрор табиати, сўлим ва хушманзара гўшалари азалдан дунё аҳлининг эътиборини тортиб келган. Хусусан, Тошкент вилояти замини ҳам кўркам боғ-роғлари, пурвиқор тоғлари, зилол ва маржон булоқлари, ўрмонзорлари билан машҳур. Мустақиллик йилларида бундай табиий бойликлар алоҳида муҳофазага олинди, боғ ва ўрмон ҳудудларини янада кенгайтириш, саховатли замин неъматларини келажак авлодларга бор кўрку таровати билан етказиш чоралари кўрилди.*

# Мусаффолик ва экологик мувозанат



Яшил олам

Бу борада “Угом — Чотқол” давлат табиат миллий боғи бошқармасининг ҳам алоҳида ўрни бор. Истиқлолга эришган илк кунларимизданоқ ўзининг такрорланмас табиати, бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, маъданли сув захиралари билан ажралиб турувчи Угом, Қоржонтоғ, Писком, Кўксу ва Чотқол тоғ тизмалари ҳудудидаги яшил майдонларга Миллий боғ мақоми берилгани бежиз эмас. Негаки, боғ майдони ва табиий бойликлари жиҳатидан нафақат юртимизда, балки Ўрта Осиёда ҳам ягона ҳисобланади. У Бўстонлиқ туманида 455,8 минг, Паркент туманида 42,1 минг, Оҳангарон туманида 76,6 минг гектар майдонни ўз ичига олган. Ҳududдаги булоқлар, муз қоялар, тоғ кўлларидан бошланувчи жилға ва сойлар бирлашиб, бутун Тошкент воҳасини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Шу билан бирга, Миллий боғ табиат мусаффолигининг асоси бўлган яшил бойликлар — бепоён ўрмонзорлари билан ажралиб туради.

Кейинги ўн йил ичида “Угом — Чотқол” давлат табиат миллий боғи жамоасининг саъй-ҳаракати билан вилоятдаги ўрмонзорлар майдонини кенгайтириш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2001 йилда Миллий боғ таркибига “Оҳангарон” ва “Бурчмулла” ўрмон хўжаликлари ҳамда “Чотқол” давлат биосфера қўриқхонаси ҳам қўшилгани айни муддао бўлди. Натижада мазкур ҳудуддаги табиий ўрмонлар майдони салкам 100 минг гектарга кенгайди.

Айни пайтда Миллий боғ ҳудудида махсус дастур асосида яшил бойликларни ҳимоя қилиш, уларнинг табиий хусусиятларини сақлаш, маҳсулдорлигини ошириш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда. Бунинг натижасида ўтган йили 418 гектар ўрмоннинг табиий тикланишига эришилди. Шу билан бирга, ҳозир “Оҳангарон” ўрмон хўжалигида 21 гектар, “Бурчмулла” ўрмон хўжалигида қарийб 40 гектар майдондаги махсус кўчатхоналарда мевали ва манзарали ниҳоллар етиштириш йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, мазкур йўналишдаги изланишлар бугун кутилган самарани бермоқда. Аввало, бу орқали нафақат диёримиз, балки чет мамлакатларда учрайдиган ноёб мевали ва манзарали дарахтлардан намуналар кўпайтирилаяпти. Қолаверса, ушбу жараён катта иқтисодий наф ҳам келтираётир. Муҳими, ўтган вақт мобайнида бу борада етарлича тажриба ҳам тўпланди. Айтайлик, 2001 йили ноёб кўчатлар тайёрлашда уларнинг кўкариш даражаси 70 фоизга етмаган бўлса, эндиликда мутахассисларимиз бу борада 85-90 фоизлик кўрсаткичга эришмоқдалар. Пировардида 2001 йили Миллий боғ тасарруфидаги кўчатхоналарда бир миллион 220 минг туп атрофида мевали ва манзарали кўчатлар етиштирилган бўлса, бултур бу рақам қарийб 3 баробарга кўпайди.

Албатта, булар Миллий боғ ҳудудида олиб борилаётган ишларнинг бир қисми, холос. Бинобарин, табиат мусаффолиги ва гўзаллигининг беқиёс тимсоли бўлган яшил ҳудудларни кўпайтириш, бетакрор ва мўъжизакор наботот оламини асраб-авайлаш, энг муҳими, шу заминда яшаб, шу мусаффо ҳаводан нафас олаётган, бу ерга қишин-ёзин табиат гўзалликларидан завқланиш учун ошиқадиган юртдошларимизнинг экологик маданиятини юксалтириш борасидаги ҳаракатлар кенг кўлам ва изчиллик касб этиб бораверади.

**Абдукарим АБДУЖАМИЛОВ, «Угом — Чотқол» давлат табиат миллий боғи бошқармаси бошлиғи.**



# ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

Янгилик

**Шўрчи туманидаги Ҳайдар Маҳмудов бошлиқ “Зайтунзор” фермер хўжалигида 2007 йилдан буён зайтун дарахти парваришланиб, уни районлаштириш ва иқлим шароитимизга мослаштириш бўйича тажриба олиб борилмоқда.**

## Зайтун меваси — шифобахш неъмат



Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирги кунда хўжаликда зайтун кўчатларини очиқ майдонда ўстириш йўлга қўйилди. Жорий йилда эса ундан илк ҳосил олиниши кутилаётир.

Гап шундаки, зайтун энг узоқ умр кўрадиган дарахт турларидан бўлиб, асосан, меваси учун парваришланади. Чунки ундан энг сифатли ёғ олинади, консерваланган мевалари эса шифобахш неъмат сифатида истеъмол қилинади.

Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асарида зайтун меваси ошқозон-ичак, жигар, ўт ва нафас йўллари, юрак-қон томир, асаб тизими, шунингдек, жинсий касалликларни даволашда қўлланилиши таъкидланган.

Бугунги кунда буларнинг барчаси амалда ўз исботини топди. Масалан, 2005 йили Колумбия университети олимлари зайтунни истеъмол қилиш простата бези ўсмасини 80 фоизга камайтиришини аниқлаган бўлса, 2006 йилда Квинсленд университети мутахассислари у кўкрак бези ўсмасига малҳам, деган хулосага келишди.

“Зайтунзор” хўжалигида парваришланаётган зайтун дарахти баргларининг кимёвий таркиби ҳам Ўзбекистон ФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида академик А. Глушенкова раҳбарлигида ўрганилди. Натижада заминимизда етиштирилаётган зайтун баргларида органик фаол моддалар миқдори бошқа давлатларда парваришланаётган турдошлариникига қараганда анча юқори эканлиги аён бўлди.

Кўриниб турибдики, бу дарахтни парваришлаш мумкинлиги ҳисобга олинса, пировардида аҳоли учун юқори сифатли ёғ, консерваланган мева ва унинг баргидан чой етиштиришга кенг йўл очилади.

**Акбар МАҲМУДОВ, тиббиёт фанлари номзоди.**

Ўрмончилик

**Республикамизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ ўрмонзорларни кенгайтириш, муҳофаза қилиш, қўриқлаш, табиатга яшиллик бағишлаб, экологияни яхшилашга хизмат қилувчи манзарали дарахтларни кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўш, бунинг сабаби нимада? Олимларнинг фикрича, игнабаргли дарахтлар ва бошқа ўсимликларнинг ҳавони мўътадиллаштиришдаги аҳамияти беқиёс экан.**

# Борлиқнинг бебаҳо туҳфаси

Масаланинг айни шу жиҳатлари ҳисобга олиниб, шаҳар ва қишлоқлар кўркини очиш, ўрмон ва бутазорларни кенгайтириш пайидан бўлинмоқда. Бунда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги республика илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоасининг хизмати катта, албатта. Жумладан, Норин туманидаги “Ўртаорол” ўрмон участкасида ноёб манзарали дарахт ва буталар кўчати тайёрланиб, жойларга етказиб берилмоқда.

Мазкур йўналишдаги ишлар вилоятдаги учта давлат ўрмон хўжалигида намунали йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтиш ўринли. Хусусан, вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати билан Наманган туманидаги Машраб номли маданият ва истироҳат боғи ҳудудидаги 39,5 гектар ер Наманган давлат ўрмон хўжалиги тасарруфига берилганидан сўнг бу ерга 25 минг туп можевельник, Тянь-Шань арчаси, қайрағоч, Қрим қарағайи, шумтол каби ноёб манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Бундан ташқари, Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги “Сўқоқ” давлат ўрмон хўжалигидан ушбу дарахт навлари келтирилиб кўпайтирилмоқда.

Поп туманидаги Абу Али ибн Сино номли ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжалиги жамоаси эса вилоят учун янгилик — япон софораси ниҳолларини кўпайтириш ва ўстиришни ўзлаштирди. Айни пайтда бу ерда етиштирилаётган бундай кўчатлар сони 40 минг тупга етган бўлса, оққайин ниҳолини ҳам ўстиришга киришилгани диққатга сазовордир.

Бугунги кунда вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида яшил майдонлар ташкил этиш ҳаракати қизғин тус олган. Вилоят марказида эса Президентимизнинг “2009 — 2012 йилларда Наманган шаҳрини ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарори асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи қайтадан қурилгани, “Камолот”, “Кичкинтой” боғлари, “Хотира майдони” ва “Сайилгоҳ” хиёбонлари, кўчалар, маҳалла мавзелари ва дам олиш масканлари янгитдан ташкил этилиб, уларни қуришда ободонлаштириш ҳамда шаҳарсозликнинг энг нозик услубларидан моҳирона фойдаланилгани ана шундан далолат беради.

Шу билан бирга, бир вақтлар Косонсой, Чуст, Поп, Янгиқўрғон туманларининг тоғли ҳудудларидаги арчазорлар қайта тикланиб, безавол ўстирилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, юртимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган аҳоли саломатлигини сақлаш, умрини узайтиришга муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда. Зеро, ўсимликлар бизга табиат томонидан берилган ноёб туҳфадир.

**Алижон АБДУЛЛАЕВ.**

*Мамлакатимиз табиатида камайиб бораётган турларни сақлаб қолиш ва уларни кўпайтиришга жиддий эътибор қаратилаяпти. Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”и бу борада маълумот берувчи муҳим манба ҳисобланади. Қуйида унга киритилган айрим жониворлар ва уларнинг ҳолатидан хабардор бўласиз.*

«Қизил китоб» саҳифаларидан

## Баланд тоғлар ошуфтаси

Бухоро қўйи баландликни, кенгликларни хуш кўради. Шунинг учун у тоғ бағрини макон тутган. Бироқ бу ҳуркак жонивор йўқолиб кетиш хавфи остида тургани ачинарлидир. Айни пайтда уларнинг сони Кўҳитангда 70, Бойсун ва Ҳисор тоғларида 200, Боботоғда 40 бошга тушиб қолгани шундан далолат беради. Тоғ яйловларининг ўзлаштирилиши, браконьерлар ва йиртқич ҳайвонларнинг таъқиби кучайгани бунга асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Бухоро қўйи денгиз сатҳидан 2500 метргача баланд бўлган тоғ адирлари, сийрак арчазорларда яшайди. Подалар ҳосил қилиб, мавсумий кўчиб юради. Апрель-май ойларида болалайди.

Мамлакатимизда бу турни наинки сақлаб қолиш, балки кўпайтириш чора-тадбирлари олиб борилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бу эса кутилган самараларни бераяпти, албатта. Гап шундаки, Бухоро қўйи ҳозирги кунда “Жайрон” экомаркази, Тошкент ва Термиз ҳайвонот боғларида кўпайтирилмоқда. “Сурхон” қўриқхонасида алоҳида муҳофаза остига олинган бўлиб, ов қилиш қатъий тақиқланган.



**Халқимиз орасида сиртлон ҳақида эртакнамо ривоятлар тилдан-тилга кўчиб юради. Уларда жониворнинг довюраклиги, чапдастлиги мадҳ этилади. Эндиликда эса унинг ўзи афсонага айланмоқда. Сабаби, сиртлон — бутунлай йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ноёб ҳайвонлардан бири. Мутахассисларнинг фикрича, уларнинг бир нечтасини Кўҳитанг этакларида учратиш мумкин. Шунингдек, Боботоғ атрофида ҳам сақланиб қолган бўлиши эҳтимоли бор.**



## «Кўҳитанг афсонаси»

Одатда, сиртлонлар денгиз сатҳидан баландлиги 300 — 1200 метрдан ошмайдиган чўллашган, бутасимон дарахтлар билан сийрак қопланган адирликлар, қирғоқ бўйи ва тўқайзорларда яшайди. Илгари Амударёнинг юқори қисми, Шерободдарёнинг қуйи оқимида кенг тарқалган. Бироқ браконьерликнинг авж олиши, қўриқ ер ва тўқайзорларнинг ўзлаштирилиши оқибатида уларнинг сони кескин камайиб кетди. 1980 — 1990 йилларда сиртлоннинг атиги 10 таси ҳисобга олинган, холос.

Сиртлонлар тунда фаол бўлиб, кундузи уялари, ғор ва чуқурликларда беркиниб ётади. Кўпайиш давридан сўнг эса кўчиб юради. Кемирувчилар, судралиб юрувчилар, ўлакса, ҳашарот ва сернам мевалар билан озиқланади.

Бу тур мамлакатимиз “Қизил китоб”ига киритилган бўлиб, овлаш тақиқланган. Шунингдек, “Сурхон” қўриқхонасида алоҳида муҳофаза остига олинган.

# Асалари сутининг хосияти

**Саховатли табиатнинг бебаҳо неъмати ҳисобланмиш асалнинг нечоғлиқ ширин, шифобахшлиги барчамизга аён. Бироқ асаларилар томонидан ҳосил қилинадиган мум, қатрон, елим (прополис), асалари сути, заҳари хусусида унчалик кўп маълумотга эга эмасмиз. Қуйида асалари сутининг хосиятлари ҳақида сўз юритамиз.**



Биласизми?

Маълумки, она ари бошқаларига нисбатан каттароқ ва оғирроқ вазнга эга. Она арилар, шунингдек, оддий ариларга қараганда бир оз кўп, яъни 6 йилгача умр кўради. Она ариларнинг бундай узоқ яшашига уларнинг бўғиз ва юқори жағ безларидан ажралиб чиқувчи модда — сут сабабчи. Асалари сути ташқи кўринишдан бир оз заъфарон, аммо ўзига хос ҳид ва нордон таъмли елимсифат моддадир. Айнан шу модда билан улар ғумбакларни озиқлантирадилар.

Асалари сути шифобахш хусусиятларга ҳам эга. Яъни унинг таркиби аминокислоталар, $B_1$, $B_2$, $B_6$, $B_8$, $B_{12}$, айниқса, Е витаминига жуда бой.

Асалари сути инсон саломатлиги учун жуда фойдали. У қон босимини меъёрига келтиради, инсоннинг юқумли касалликларга нисбатан иммунитетини оширади. Одатда, табиий ҳолдаги асалари сути тил остига ташланиб, баъзида эса асал ёки гул чанги билан биргаликда ичилади.

Олимларнинг фикрича, асалари сути кўп вақт сақланса, унинг таркибидаги биологик фаол ва ферментларга бой моддалар акс таъсир қилувчи маҳсулотга айланиши мумкин. Шундай экан, ундан фойдаланганда ушбу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳозирги кунда асалари сути “Анилак” номи билан саноат миқёсида ишлаб чиқарилмоқда. Унинг таблетка, шамча ва суртма мой турлари мавжуд.

**Доно ХЎЖАЕВА, дорищунос.**

Ўқинг, қизиқ!

## Умрингдан инсонга ҳам улаш

Яшил қитъа аталмиш Австралиянинг Квиналенд штатида саговник дарахти бўлиб, у 12 минг йиллик тарихга эга. Наботот билимдонларининг фикрига қараганда, бу дарахт 15 минг йил умр кечириши мумкин экан.

## Тутмисан, тут!

Одатда, тут дарахти ўсган маҳалла, гузар, хонадон сўлимлилиги, саховатлилиги билан ажралиб туради. Яқинда Вьетнам ўрмонларида баҳайбат тут дарахти борлиги аниқланди. Шохлари ниҳоятда тарвақайлаган ушбу тут танасининг диаметри 2,5 метрдан иборатдир.

Хомаки ҳисоб-китобларга қараганда, ана шу мўъжизакор дарахт барги 500 килограммдан зиёд пилла етиштириш учун етарлидир. Бу ўнлаб тутзорларнинг ҳосили эмасми?



## Мамонт дарахти

Дунёда энг улкан дарахт Американинг Калифорния штатида ўсувчи секвоядендрон ҳисобланади. Унинг бўйи — 142 метр, айланаси эса 46 метрга тенг. Табиатшуносларнинг шоҳидлик беришича, мазкур дарахт кесмаси устида бир пианино, тўрт нафар машшоқ жойлашган ҳолда, ўн олти киши рақсга тушган экан.

## Минг «жўра»ли баньян

Ҳиндистонда “Баньян” номи билан юритиладиган дарахт мавжуд. Унинг ғаройиблиги шундаки, шохларидаги шокила-шокила “илдизлар” тупроққа ўрнашиб олгач, йўғонлашган ҳолда, тирговичли устунлар ҳосил қилади. Шу зайлда бир дарахт йиллар давомида катта майдонни ишғол этади.

**Маннон НАБИЕВ тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 22.20 1 2 3 4 5